



15 у.р. "12" март № 342-К Samarqand t-p Самарканд

**“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиҳаёт” маҳалласида фуқаро  
Эгамов Шодиёрга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”**

Фуқаро Эгамов Шодиёр туман ҳокими номига “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиҳаёт” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Фуқаро Эгамов Шодиёрга “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиҳаёт” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 72 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаролар Эгамов Шодиёрга автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров